

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б.Нурмуратовнинг 2024 йил учун
ИШ РЕЖАСИ


T/r	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати
1.	Иқтисодиётда нархлар барқарорлигини таъминлаш ва миллий валютадаги депозитлар ҳажмини оширишга қаратилган пул-кредит сиёсатини давом эттириш.	<p>1. Инфляцияга монетар омилларнинг таъсирини минималлаштириш орқали 2024 йил якунига қадар базавий инфляция даражасини 7 фоизгача пасайтириш.</p> <p>2. Миллий валютадаги депозитлар бўйича ижобий реал фоиз ставкаларини сақлаб қолиш ҳамда банк омонатлари турларини кенгайтириш ҳисобига аҳолининг тижорат банктардаги жами депозитлари ҳажмини 1,3 баробарга, миллий валютадаги муддатли депозитларини 1,5 баробарга ошириш.</p>	2024 йил давомида
2.	Иқтисодий ўсиш суръатларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида иқтисодиётга ажратилган кредит қўйилмаларининг ўсиш суръатларини таъминлаш.	<p>1. 2024 йилда иқтисодиётга 275 трлн сўмлик кредитлар ажратилишини таъминлаш.</p> <p>2. Иқтисодиётда кредит қўйилмалари қолдиғи йиллик ўсишининг номинал ЯИМ ўсишига яқин даражада бўлишини таъминлаш орқали кредитлаш амалиётининг инфляцияга бўлган босимини пасайтириш.</p>	2024 йил давомида
3.	Микромолиявий ривожлантириш.	<p>Микромолиявий хизматларни ривожлантириш ва камровини ошириш мақсадида микромолия банктарини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосини яратиш.</p> <p>Бунда, тадбиркор бўлмақчи бўлган аҳолига 100 млн сўмгача гаровсиз кредитлар, уларнинг 50 фоизини банк картаси орқали ажратиш амалиётини йўлга қўйиш.</p>	2024 йил давомида

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати
4.	Банк тизимининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш ва иқтисодийётни молиявий ресурслар билан самарали қўллаб-қувватлаш.	<p>1. Аҳолига 15 трлн сўмлик ипотека кредитлари ва корхоналарга айланма маблагларини тўлдирish учун 65 трлн сўмлик кредитлар ажратиш.</p> <p>2. Лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 28 трлн сўмлик хорижий кредит линияларини жалб қилиш.</p>	2024 йил давомийда
5.	Халқаро захираларнинг барқарорлигини ва активлар диверсификациясини таъминлаш.	<p>1. Халқаро захираларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида қимматли қоғозларга инвестиция киритиш орқали молиявий инструментлар қўламини кенгайтириш.</p> <p>2. Нью-Йорк Федерал захира банки билан Марказий банк ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш.</p> <p>3. Халқаро молия ташкилотлари ва хорижий марказий банklar билан захираларнинг бутлиги, ликвидлиги ва даромадлиги тамойилларидан келиб чиқиб диверсификация қилиш, хатарларни бошқариш ҳамда илфор хорижий амалиётни ўрганиш юзасидан муносабатларни кенгайтириш.</p>	2024 йил давомийда 2024 йил I чорак 2024 йил I чорак
6.	Молиявий барқарорлиқни таъминлаш мақсадида банklarда мавжуд ва юзата келиши мумкин бўлган муаммоли кредитларни камайитириш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чорларини қўриш.	<p>1. Муаммоли кредитларни ундириш бўйича вилотлар, Тошкент шаҳар ва Қорақалпоғистон Республикаси Халқ депутатлари кенгашлари томонидан тасдиқланган режа-жадвалларнинг ижросини мониторинг қилиш;</p> <p>2. Банklarдаги муаммоли кредитлар улушини халқаро стандартларга қўра минимал ҳисобланган рақамлар доирасида шакллантириш ва ушбу кўрсаткичнинг жами кредит портфелига нисбатини 3-4 фоиздан ошмаслиги бўйича чораларни қўриш.</p>	2024 йил давомийда

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати
		<p>3. Мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоли кредитларни доимий таҳлил қилиб бориш орқали уларнинг банклар барқарорлигига таъсирини юмшатиш бўйича чораларни мувофиқлаштириш.</p>	
7.	<p>Тўлов тизимини ривожлантириш мақсадида тўлов инфратузилмаси ва имкониятларини кенгайтириш.</p>	<p>1. Тўловлар узлуксизлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларига Марказий банк томонидан кун давомида фоизсиз ликвидлик тақдим этиш имкониятини берадиган янги механизмни жорий этиш.</p> <p>2. 24/7 режимида фаолият юритадиган тезкор тўловлар тизими орқали амалга оширилган тўловлар ҳажмини 2023 йилга нисбатан 1,2 баробарга кўлайтириш.</p> <p>3. "Uzcard" ва "НУМО" миллий тўлов тизимлари терминаллар тармоғини ўзаро интеграция қилиш.</p> <p>4. Ахборот характериға эга давлат хизматларининг камида 10 та туридан банкнинг мобил иловаси орқали фойдаланиш имкониятини яратиш.</p>	<p>2024 йил давомида</p>
8.	<p>Марказий банкда кадрлар ва ёшлар билан ишлаш сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш.</p>	<p>1. Марказий банк тизимида кадрлар салоҳиятини ошириш борасида сиёсатни белгилаш.</p> <p>2. Ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, зарурий меҳнат шaroитларини яратиш ва кўникмаларини ривожлантириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш.</p> <p>3. Марказий банкда "IT лаборатория" ташкил этиш, ушбу лабораторияда информацион технологиялар йўналишлари бўйича тахсил олаётган талабалар учун ҳақ тўланадиган амалиёт (стажировка)ни йўлга қўйиш.</p>	<p>2024 йил давомида</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати
9.	Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг 2023 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини Олий Мажлиста тақдим этиш.	Марказий Банкининг 2023 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.	2024 йил апрель
10.	Марказий Банк тизимида коррупциянинг олдини олиш ҳамда унга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштириш.	1. Марказий Банк тизимида коррупцияга қарши курашиш ишлари самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими индикаторлари бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш. 2. Марказий Банк марказий аптоарати, худудий бош бошқармалари ва тасарруфдаги корхоналарнинг коррупцияга қарши курашишга оид фаолиятини мувофиқлаштириш.	2024 йил I чорак

Марказий Банк раиси



М.Б. Нурмуратов